

**“ТЎРТКЎЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИГИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл тумани,

Беруний кўчаси, 1-уй

2023 йил 27 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Беруний кўчаси, 1-уйда жойлашган “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 409 263.

“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 2 июндаги 42-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 5 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 21 июнь.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Тажибеков Азизулла Сагидуллаевич – Жамият кузатув кенгаши раиси;
2. Кунназаров Ерназар Уринбаевич – “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссияси раиси;
3. Серикбаев Жасурбек Абдихаликович – жамият Бош директори.

Йиғилиш раёсати аъзоси Е.Кунназаров малака ва тажрибага эга бўлган “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия аъзоси А.Тажибековни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Д.Ибадуллаевни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раиси А.Тажибеков ва йиғилиш котиби этиб Д.Ибадуллаев сайланди.

Йиғилишни йиғилиш раиси А.Тажибеков очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси З.Миримовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 21 июнь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 659 та акциядорга тегишли 409 263 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 240 256 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 58,7 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилиш раиси А.Тажибеков йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият акциядорларининг 2020-йил 14-декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорини яъни ўз капитали ҳисобидан жамият устав фондини кўпайтириш ҳамда қўшимча акциялар чиқарилишини қайта кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг эски йилларда тақсимланмаган ва 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
8. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
9. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
14. Жамият Устави ва ички низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш.
15. МАР проекти бўйича олинган техника ва ускуналарни баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри бўлиб тўлаш шарти билан кластер корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан сотиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажибеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

1. Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 5 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Р.Балтаев- жамиятнинг иш ҳақи бўйича ҳисобчиси, С.Розимов кадрлар бўлими бошлиғи - жамият юристи, Р.Тохтабаев – жамият бош механиги номзодлари киритилган.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига

7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Р.Балтаев;

2) С.Розимов;

3) Р.Тохтабаев.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача, савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори Ж.Серикбаев сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Бундан ташқари акциядорлар эътиборига жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*жамият йиллик ҳисобот илова қилинади*).

Йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини ва 2022 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори Ж.Серикбаевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан жамият ижроия органи раҳбари Ж.Серикбаевнинг 2022 йилдаги фаолияти ва жамиятнинг 2022 йиллик ҳисоботини маъқуллаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2022 йил ҳисоботи қониқарли деб топилсин маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчиси З.Миримов 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*жамият йиллик баланси ва молиявий натижалари илова қилинади*).

Йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчиси З.Миримов “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 17 апрелдаги аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида жамиятнинг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 17 апрелдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “NAZORAT AUDIT” МЧЖ “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 17 апрелдаги аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажобеков йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисobotини ўқиб эшиттирди (*ҳисobot илова қилинади*).

Ҳисobotда асосан кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилиш раиси А.Тажобеков акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисobotини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисobotи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича жамиятнинг ижроия органи раиси - бош директор Ж.Серикбаевга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2020 йил 14-декабрдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамиятнинг эски йиллардан ва 2019 йил якуни бўйича 1 973 557 895 сўм соф фойдасини Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан ўз капитали ҳисобидан яъни қўшимча акциялар чиқариш орқали жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтириш бўйича қарори қабул қилинган. Бундан ташқари 2020 йил 20-августдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятга қарашли бўлган барча бино-иншоотлари ва асосий воситалари “Agro To’rtko’l tekstil cluster” МЧЖ кластер корхонасига сотиш ҳамда жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича қарори қабул қилинган.

Жамиятнинг ижроия органи раиси - бош директор Ж.Серикбаев жамият мол-мулклари “Agro To’rtko’l tekstil cluster” МЧЖ кластер корхонасига тўлиқ сотилганлиги сабабли 2020-йил 14-декабрда қабул қилинган қарорни беъкор қилиш бўйича таклифини киритди.

Йиғилиш раиси А.Тажобеков жамиятнинг 2020-йил 14-декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорининг айрим бандларини, яъни қўшимча акциялар чиқарилиши ва жамият устав фондини кўпайтиришни беъкор қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият қарашли бўлган барча бино-иншоотлари ва асосий воситалари кластер корхонасига сотилганлиги муносабати билан, жамиятнинг 2020 йил 14 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 4-масаласи бўйича қабул қилинган қарорининг 1-банди ва 2-банднинг 3-қисми, яъни соф фойданинг ҳисобидан қўшимча акциялар чиқарилиши бандлари бекор қилинсин.

2. Жамиятда эски йиллар соф фойдасидан қўшимча акциялар чиқарилиши учун жамғариб борилган 1 973 557 895 сўм маблағ 2022 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажибеков сўзни жамиятнинг ижроия органи раиси - бош директор Ж.Серикбаевга берди.

Ж.Серикбаев йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 1 874 880 000 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоизи – 281 232 000 сўм миқдорида тузилади ва 2023 йил 1-январь ҳолатига захира фонди тўлиқ шаклланган.

Жамиятнинг эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган маблағ - 1 973 557 895 сўм ҳамда жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган 26 804 000 сўм соф фойдаси, жами 2 000 361 895 сўм маблағни қуйидаги тартибда тақсимлаш тавсия этилади. Шундан:

- соф фойданинг 28,55 % – 571 000 000 сўмни 2022 йил якуни бўйича акциядорларга дивидент тўлаш учун йўналтиришга;

- соф фойданинг 5,2 % – 104 000 000 сўм жамиятнинг бошқарув органи аъзолари ва Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга;

- соф фойданинг 66,25 % – 1 325 361 895 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдириш ҳамда мазкур маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган маблағ - 1 973 557 895 сўм ҳамда жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган 26 804 000 сўм соф фойдаси, жами 2 000 361 895 сўм маблағни қуйидаги тартибда тақсимлансин, шундан:

- соф фойданинг 28,55 % – 571 000 000 сўмни 2022 йил якуни бўйича акциядорларга дивидент тўлаш учун йўналтирилсин (1 дона акция учун 1 388, 11 сўм дивидент солиғи билан);

- соф фойданинг 5,2 % – 104 000 000 сўмни жамиятнинг бошқарув органи аъзолари ва Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга;

- соф фойданинг 66,25 % – 1 325 361 895 сўмни тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инobatга олинсин.

2. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 27 июнь 2023 йил.

- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 27 август 2023 йил.

3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажибеков сўзга чиқиб, жамият умумий йиғилишининг 2022 йил 29-июндаги қарорига асосан жамият Бош директори этиб Серикбаев Жасурбек Абдихаликович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилганлигини айтиб ўтди. Серикбаев Жасурбек Абдихаликович жамиятда кўп йиллардан буён ишлаб келаётганлиги, бошқарув органлари томонидан қўйилган вазифаларни бажариб келаётганлигини инobatга олиб, Серикбаев Жасурбек Абдихаликович билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилишигача муддатини узайтириш таклифини киритди.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Бош директори Серикбаев Жасурбек Абдихаликович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Серикбаев Жасурбек Абдихаликович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори Ж.Серикбаевга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган

ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

-“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори Ж.Серикбаев сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий ва Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	05.06.2023й №53/23	10 000,0
2	“XB FINANS KONSULTING” МЧЖ	08.06.2023й №42/23	15 000,0
3	“SAMIMIY AUDIT” МЧЖ	10.06.2023й	12 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядорлари жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 10 000,0 минг сўм деб белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамиятнинг ижроия органи раиси - бош директор Ж.Серикбаевга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари

эътиборига жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича қоникарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажибеков сўз олди. “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларини 3 йил муддатга сайлаш учун жамиятнинг 212 484 дона акция эгаси “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар номидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди. (*Хатлар илова қилинади.*)

“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлар:

Кунназаров Ерназар Уринбаевич – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси; Калжанов Нурлибай Муратбаевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи; Умарова Венера Анесовна – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси, бош ҳисобчи; Анесов Нурсултан Сирим ўғли – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси; Бойкулов Эгамберди Мусурмонкулович – “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш лойиҳа офиси бош мутахассис; Абдираманов Айберген Раҳманович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи; Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ, Тугатиш комиссияси аъзоси, кимматли қоғозлар бўйича мутахассис номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар номидан кузатув кенгаши аъзолигига Авезов Мансур Матякупович, Тохтабаев Жамол Баҳадирович, Саъдуллаев Адилбек Хайруллаевич, Жуманов Максад Кошназарович номзодлари таклиф этилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини

кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

- Кунназаров Ерназар Уринбаевичга:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Калжанов Нурлибай Муратбаевичга:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Умарова Венера Анесовнага:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Анесов Нурсултан Сирим ўғлига:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Бойкулов Эгамберди Мусурмонкуловичга:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Абдираманов Айберген Рахмановичга:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Маткаримова Мухаббат Сапарбаевнага:
“Ёқлаганлар” – 218 784та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 63-моддасига мувофиқ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар номидан кузатув кенгашига номзодлардан:

- Авезов Мансур Матякуповичга:
“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Тохтабаев Жамол Бахадировичга:
“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Саъдуллаев Адилбек Хайруллаевичга:
“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Жуманов Максад Кошназаровичга:
“Ёқлаганлар” – 150 304та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга кумулятив овоз беришда энг кўп овоз тўплаган “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар сайлансин:

“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Кунназаров Ерназар Уринбаевич – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси;
2. Калжанов Нурлибай Муратбаевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи;
3. Умарова Венера Анесовна – “Қорақалпопахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси, бош ҳисобчи;

4. Анесов Нурсултан Сирим ўғли – "Қорақалпоқхасаноат" ҚАБ тугатиш комиссияси аъзоси;

5. Бойкулов Эгамберди Мусурмонкулович – "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш лойиҳа офиси бош мутахассиси;

6. Абдираманов Айберген Раҳманович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи;

7. Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна – "Қорақалпоқхасаноат" ҚАБ тугатиш комиссияси аъзоси, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича Жамият Бош директори Ж.Сериқбаев сўз олди ва йиғилиш қатнашчиларини "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш лойиҳа офисининг 2023 йил 22-майдаги SX-09/320-сонли хати билан таништирди.

Хатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4633-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган "Ўзпахтасаноат" АЖ ни тугатиш бўйича "Йўл харитаси"га асосан "Ўзпахтасаноат" АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг кўчмас мулк, акция пакетлари, улушларини белгиланган тартибда оммавий савдоларда сотиш ва жамиятни тугатиш ишлари амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, жамият штатлар жадвали лойиҳаси тавсия сифатида юборилаётганлиги айtilган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 240 256та овоз билан 100%;

"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг штат жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажибеков сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 74-моддасида жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги, бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланишини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси А.Тажибеков масала давомида, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунидан келиб чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларига вазифаларини бажариб турган давр учун кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун ҳар ойда Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробари миқдорида ҳақ тўлаш бўйича таклиф берди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси А.Тажобеков акциядорлардан кун тартибдаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробари миқдорида иш ҳақи тўлансин.

2. Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги “Низом”га ўзгартиришлар киритилсин янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажобеков сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда йиғилиш раиси А.Тажобеков акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

- жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибдаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Тажобеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24-мартдаги ПҚ-2324 сон қарорига мувофиқ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси асосида харид қилинган техника(агрегатлар)и баҳоланган қийматда “Е-аукцион” савдо платформасига чиқарилганлигини айтиб ўтди. Жамиятга кластер корхоналари томонидан тўғридан-тўғри бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш таклифи келиб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2023 йил 24-июндаги Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган сайёр мажлис баёнига асосан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини

бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси асосида харид қилинган техника(агрегатлар)и 5 йилгача муддатда бўлиб тўлаш шarti билан аукцион савдолари орқали сотиш масаласини жамият бошқарув органида кўриб чиқиш белгилаб кетилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда йиғилиш раиси А.Тажибеков акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 240 256та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнбешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24-мартдаги ПҚ-2324 сон қарорига мувофиқ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси асосида харид қилинган техника(агрегатлар)и Жаҳон банкидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли кўрсатмаси олингандан сўнг 5 йилгача муддатда бўлиб тўлаш шarti билан аукцион савдолари орқали сотишга рухсат берилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раиси қилувчи А.Тажибеков акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Йиғилиш қотиби:



(Signature of A. Tajibekov)

А.Тажибеков.

Д.Ибадуллаев

Йиғилиш баённомаси 2023 йил 7 июль куни икки нусхада тузилди.